

Бир гап айтайми?



14:00 / 04.04.2022 3876

Бу расмнинг нима эканлигини биласизми?

Расмда тахминан 15 мингта галактика бор. Хаббл телескопи орқали олинган фото. Тасаввур қияпсизми, 15 мингта галактика! Шу расмдаги ялтираб турган тухумсимон нуқталарнинг ҳар бири галактика. Шу нуқталарнинг биттасини Сомон йўли галактикаси деб олайлик. Бу бизнинг галактика. Шу Сомон йўлининг ичида Қуёш тизими жойлашган. Қуёш тизимининг ичида Ер жойлашган. Ерда биз бормиз.

Энди ўйлаб кўрайлик, шу расм ичида Сомон йўли галактикаси нуқтадек кўриняпти, Сомон йўлининг ичида Қуёш тизими нуқтадек кўринади, Қуёшнинг олдида Ер нуқтадек кўринади, Ернинг олдида биз нуқтадек ҳам кўринмаймиз.

Мўмин-мусулмон одам атрофини ўраб турган борлиққа, ерда ўсиб турган ўсимликлар, устидаги осмон ва ундаги юлдуз, сайёраларга ибрат назари ила боқиб, бу нарсалар бежизга яратилмаган, ҳар бири ҳикмат билан, аниқ мақсадда яратилган дея тафаккур қилиши лозим.

Оддий кўз билан қараганимизда осмонда ажиб гўзалликларни кўраимиз. Энди самога телескоп орқали назар солсак, осмон жисмларини, уларнинг жозибасини кўриб, Роббимизнинг қудрати олдида нақадар ожиз, заиф эканимизни янада кўпроқ ҳис қила бошлаймиз.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

«Албатта, осмонлару ернинг яратилишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ақл эгалари учун оят(белги)лар бор.

Улар Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида зикр қиладилар ва осмонлару ернинг яратилиши ҳақида тафаккур қиладиларки: «Роббимиз, буни бекорга яратганинг йўқ, Ўзинг поксан, бизни олов азобидан сақлагин» *(Оли Имрон сураси, 190-191-оятлар).*

Расм борасида тафаккур қилиб, ўзимизнинг нақадар заиф, ожиз, улкан коинот олдида кўринмай кетадиган даражада кичик махлуқ эканимизни ҳис қиляпмиз.

Расмни кўргач, шундай улкан коинотни ҳам, бизни ҳам, бутун оламларни ҳам яратган Холиқ таолонинг қудратини ҳис қила оляпмизми?! Унинг доимо бизни кўриб, билиб турганидан хабаримиз борми?!

Қани айтингчи, инсон деб аталмиш шундай митти жонзот пули кўплиги, мансабда ўтиргани, қиммат машинада юргани, данфиллама ҳовлида ўтиргани, танишлари кўплиги учун ўзини катта олиши, керилиши, одамларни менсимаслиги, ёўдайиши ҳеч ақлга тўғри келадими?!

Улкан коинот олдида кўринмай кетадиган даражада кичик бўлган, бурни, қулоғи, тиши орасидагини қўли билан чиқарганда, юзини бироз буриштириб, дарров қўлини ювиб олишга интиладиган, кун давомида ичидан бир неча марта нажосат чиқадиган, покланиш учун бир идишдаги сув ва махсус қоғозга эҳтиёжи тушадиган инсон қандай қилиб манмансираши, мутакаббирлик қилиши мумкин?!

Аmmo бир нарсани унутмаслик керакки, Аллоҳ таоло шу кичик махлуқ бўлмиш инсонни мукаррам қилиб яратган. Агар инсон Аллоҳ таолони таниса, Унга ибодат қилса, Аллоҳ таолога муносиб банда, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга муносиб уммат бўлиб яшаса, мукаррамлиги собитдир.

Ана шу мукаррамликнинг белгиларидан бири — мусулмон инсон атрофга тафаккур назари ила боқишидир. Жумладан, осмонга қараганда ҳам.

Осмонга қараб, Қуёшни, Ойни, юлдузларни, кометаларни, сайёраларни кўрганимизда ва расмдагидек коинотга оид маълумотларни ўқиганимизда, «Роббимиз, буни бежизга яратганинг йўқ, Ўзинг поксан, бизни олов азобидан сақлагин!» деб дуо қилсак, Аллоҳ таолонинг фазли ила, юқоридаги оятда мақталган бандалар қаторида бўламиз.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг яратганлари борасида тафаккур қилиб, иймонимиз нури зиёда бўлишини, ибодатга рағбатимиз янада ортиб боришини насиб этсин!

Аллоҳ таоло барчамизни тик турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ёнбошлаганда ҳам Ўзини зикр қилувчи зокир бандаларидан айлаб, қалбимиз доимо Ўзининг ёди билан банд бўлишини насиб этсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади